

**БОЛАЛАР
МАСАЛАЛАРИНИ
ЁРИТИШ БҮЙИЧА ОММАВИЙ
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ
ХОДИМЛАРИГА ЭСЛАТМА**

Тошкент-2014

БОЛАЛАР МАСАЛАЛАРИНИ ЁРИТИШ БҮЙИЧА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА ЭСЛАТМА

Мазкур эслатма Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультетининг Ўзбекистондаги ЮНИСЕФ ваколатхонаси кўммагида амалга оширилган «Болалар масалаларини оммавиий ахборот воситаларида ёритилиши ва журналист этикаси» лойиҳаси доирасида тайёрланиб, Ўзбекистон оммавиий ахборот воситалари таҳририятларида фаолият юритаётган журналистлар учун мўлжалланган.

Эслатмада ЎзА суратларидан фойдаланилди.

Тузувчи: Наргис Қосимова, филология фанлари номзоди, доцент.

ХУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАР

Неча ёшгача бўлган шахслар бола ҳисобланади?

Жавоб. Бола (болалар) — ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар);

(“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 3-модда.)

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 1-моддасида “18 ёшга тўлмаган ҳар бир инсон, агар болага нисбатан қўлланиладиган қонун бўйича у эртароқ балоғатта етмаган бўлса, бола ҳисобланади”, деб белгиланган.

Бола ҳуқуқларининг вужудга келиш тарихи қандай?

Жавоб. Бола ҳуқуқларини тартибга солиш масаласи XX асрда юзага келди. 1919 йилда Миллатлар Лигаси ташкил этилиб, унинг таркибидаги Болалар фаровонлиги Кўмитаси асосан бошпанасиз, қаровсиз болалар, қуллик, болалар меҳнати, болалар савдоси ва вояга етмаганлар фоҳшишабозлиги масалаларига нисбатан чоралар кўриш билан шуғулланган. 1923 йили Болаларни қутқариш ҳалқаро иттилоғи ноҳукумат ташкилоти кенгаши томонидан Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларация қабул қилинди. 1959 йил 20 ноябрда БМТ Бош Ассамблеясининг Бола ҳуқуқлари Декларацияси қабул қилинди. 1979 йил “Ҳалқаро бола йили” деб эълон қилинди. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг қабул қилинишига қадар фақатгина Бола ҳуқуқлари Декларацияси қабул қилинади.

*рациясида қайси вақтдан бошлаб шахснинг бола ҳисобла-
ниши айтиб ўтилган.*

Болалар ҳуқуқлари халқаро миқёсда қандай йўналишларда ҳимоя қилинади?

Жавоб. 1) Болалар ҳуқуқлари соҳасида халқаро стан-
дартларни тайёрлаш мақсадида конвенция, резолюция, дек-
ларацияларни ишлаб чиқиш; 2) болалар ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш бўйича махсус назорат органини ташкил этиш; 3)
миллий қонунчиликни халқаро мажбуриятларга мувофиқ-
лаштиришга кўмаклашиш (имплементация фаолияти); 4)
БМТ Болалар жамғармаси орқали халқаро ёрдам қўрса-
тиш.

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция қачон қабул қилинган?

Жавоб. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция 1989 йил
20 ноябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамб-
леясининг 44/25-Резолюцияси билан қабул қилинган ва
1990 йил 2 сентябрдан кучга кирган. Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиснинг 1992 йил 9 декабрдаги № 757-
ХII Қарори билан мазкур Конвенцияга қўшилган. 1994 йил
29 июндан мазкур ҳалқаро ҳужжат Ўзбекистон Республи-



касида кучга кирган, давлатимиз ўз зиммасига мазкур халқаро ҳужжатда кўрсатилганидек болаларнинг барча ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, таъминлаш ва ҳимоя қилиш мажбуриятини олди.

Қайси халқаро ҳужжатда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ОАВнинг роли кўрсатилган?

Жавоб. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда илк бор оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти алоҳида кўрсатилган: иштирокчи-давлатлар бола турли хил миллий ва халқаро манбаларнинг ахборотларидан баҳраманд бўлиши учун оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий ва маданий муносабатларда бола учун фойдали ахборот ҳамда материалларни тарқатишини рафбатлантиради (17-модда). 42-моддага мувофик, иштирокчи-давлатлар "Конвенциянинг принциплари ва қоидалари ҳақида катта ёщдагиларни ҳам болаларни ҳам кенг хабардор этишини" ўз зиммасига оладилар.

Шунингдек, Конвенциянинг 12- моддаси болалар ўз манфаатларига таалуқли масалалар юзасидан фикр билдириш ҳуқуқига эга эканликларини тан олади. 13-модда эса фикр билдириш эркинлиги ҳуқуқини белгилайди: "Мазкур ҳуқуқ давлат чегараларидан қатъий назар, оғзаки, ёзма, босма ёхуд санъат тури шаклдаги ёки бола танловига кўра бошқа воситалар ёрдамида ҳар қандай ахборот ваояни қидириш, олиш ва тарқатишни ўз ичига олади". Мазкур модда нафақат фуқароларни ахборот билан таъминлаш, балки оммавий ахборот воситалари орқали болалар ва ўсмирлар овозини эшитиш мажбуриятини юклайди.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг асосий 4 та йўналиши нималардан иборат?

Жавоб. 1. **Яшаш ҳуқуқи.** Мазкур йўналиш ўз ичига боланинг яшаш ҳуқуқи, бошпана, соғлом овқатланиш ва тиббий хизматлардан тўла қонли фойдаланишни ўз ичига олади. 2. **Ривожланиш ҳуқуқи.** Болаларнинг тўла қонли ривожланиши учун зарур ҳуқуқлар: таълим олиш, дам олиш, маданий тадбирларда қатнашиш, ахборотга эгалик, фикр ва диний қараш эркинлигини қамраб олади. 3. **Ҳимояланиш ҳуқуқи.** Мазкур йўналиш болаларни барча турдаги эксплуатация қилинишини, қийноқ ва азобларга дучор бўлишининг олдини олишни ўз ичига олади. Бу йўналш ўз ичига оиласидан маҳрум болаларни давлат томонидан ҳимояланишни ҳам қамраб олади. 4. **Қатнашиш ҳуқуқи.** Болаларнинг ўз ҳамжамиятлари ва мамлакатларида турли хил тадбирларда фаол қатнашиши, ўз фикрларини эркин билдиришлари, ўзларига бевосита тегишли қарор қабул қилишда қатнашиши киради.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция бола ҳуқуқларини қай тарзда ҳимоя қиласди?

Жавоб. У болага нисбатан инсон ҳуқуқлари бўйича белгиланган стандартларнинг баҳоланишини сўнгти нуқтасини белгилайди ва натижаларни қиёслаш имконини беради. Конвенцияда белгиланган мазкур стандартларга розилик берган давлат ўзининг болаларга нисбатан олиб бораётган қонунчилиги, сиёсати ва амалиётини унга мувофиқ олиб бориши, стандартларни барча болалар учун реалликка айлантириши ва мазкур ҳуқуқларнинг бузилишини олдини



олиши лозим. Ҳукумат белгиланган вақтда Мустақил эксперtlар қўмитаси олдида ҳисобот бериб бориши керак.

Жаҳон ҳамжамияти Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг бажарилишига қандай ёрдам беради?

Жавоб. Штаб квартираси Женевада жойлашган ва хаљаро ҳамжамият томонидан сайланган мустақил эксперт органи бўлмиш Бола ҳуқуқлари бўйича Қўмита Конвенция талабарининг бажарилиши бўйича мониторингни олиб боради ва Конвенцияни ратификация қилган давлатлардан ўз мамлакатларидағи болаларнинг аҳволи ҳақида мунтазам равишда ҳисобот бериб туришни талаб этади. Қўмита ҳаво-

ла этилган ҳисоботларни кўриб чиқади ва барча давлатларни бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш борасида маҳсус чора тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий институтларни барпо этишга давлатларни ундайди. Зарур ҳолатларда Қўмита турли хил давлатлар томонидан кўрсатиладиган халқаро ёрдам ва ЮНИСЕФ томонидан кўрсатиладиган техник ёрдамни таклиф этади.

Конвенцияда болаларга нисбатан янгича қараш қандай ўз аксини топган?

Жавоб. Конвенция барча мамлакатлар томонидан амал қилиниши шарт бўлган стандартлардан ташкил топиб, унда болаларга нисбатан янгича қараш ўз аксини топган. Болалар ўз ота-оналарининг мулки, ҳомийликнинг ҳимоясиз объектлари ҳисобланмайди. Улар инсон бўлиб, ўз ҳуқуқларининг эгаларидир. Конвенция болани унинг ёши ва ривожланиш даражасига мос келадиган, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлган оила ва жамиятнинг тўла қонли аъзоси сифатида қарашни таклиф этади. Агарда аввал бола эҳтиёжлари музокаралар предмети бўлган бўлса, бугун у ҳуқуқий жиҳатдан мажбурий ҳуқуқларга ва бола ҳуқуқ эгасига айланди.

Конвенциянинг ўзига хосликлари нимадан иборат?

Жавоб.

Конвенция:

- * барча мамлакатлар учун бир хил кучга эга ва шу орқали болалар учун мўлжалланган дастурларнинг умумий аҳлоқий, ҳуқуқий асосини яратишга ундайди;
- * илк маротаба расмий равища бола ҳуқуқларининг бажарилиши ва уни мониторинги бўйича мажбуриятлар қабул қилинди;

* бола ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми эканлигини эътироф этади. Бола ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларини тўлдиради ва ундан бирор бир жиҳати билан ажралиб турмайди. Бола ҳуқуқлари ҳомийлик ёки болаларга ёрдам сифатида кўрилмайди, балки улар барча катталар томонидан амалга оширилиши ва таъминланиши мажбуриятини юклайди;

* хаттаки нодавлат ташкилотлар томонидан ҳам қабул қилинган. Масалан, Суданнинг халқ озодлик армияси, Жанубий Судандаги қўзғолончилар ҳаракати бунга мисол бўла олади;

* болалар билан ишлайдиган нодавлат, шунингдек БМТ тасарруфидағи ташкилотлар учун асосий қўлланма бўлиб хизмат қиласди;

* барча ҳуқуқлар боланинг ҳар томонлама ривожи учун муҳим ва аҳамиятли эканлигини тасдиқлайди;

* инсон ҳуқуқлари учун давлат масъул эканлигини ва мазкур масъулият билан боғлиқ шаффоффлик ва жамоат назоратини амалга ошириш лозимлигини тасдиқлайди;

* бола ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган халқаро бирдамлик тизимининг илгари сурилишини таъминлайди;

* бола ҳаётида оиланинг муҳим ролини таъкидлайди ва ҳимоя қиласди.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни дунёда нечта мамлакат ратификация қилган?

Жавоб: Инсоният тарихида мазкур Конвенцияни инсон ҳуқуқлари бўйича ҳужжатлар ичида энг кўп, 193 та давлат, Конвенция қатнашчилари ратификация қилган.

Конвенцияни қайси давлат ва нима учун ратификация қилмаган?

Жавоб. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни дунёда фақаттина Сомали ва АҚШ давлатлари ратификация қилмаган. Сомали айни пайтда расмий ҳукумати бўлмагани сабабли Конвенцияни қабул қила олмайди, АҚШ эса мазкур ҳужжатни имзолаган бўлсада, уни ҳануз ратификация қилганича йўқ. Чунки ҳар бир халқаро ҳужжатни қабул қилишдан олдин АҚШ ҳукумати уни ҳар томонлама таҳдил қиласди ва ўрганади. Мазкур жараён бир неча йиллар давом этиши мумкин. АҚШ ҳукумати битта инсон ҳуқуқларига тааллуқли ҳужжатни бир маротаба кўриб чиқади. Айни пайтда Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида Конвенция инсон ҳуқуқлари бўйича барча битимлар ичида миллатнинг асосий ҳужжати сифатида қабул қилинган.

Бола ҳуқуқлари бўйича Конвенцияни ЮНИСЕФ қай тарзда қўллаиди?

Жавоб. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз фаолиятининг барча жабҳаларида инсон ҳуқуқлари масалаларига алоҳида эътибор беришга чақирди, масалан, қочоқдар бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Олий комиссари бошқармаси мандати қочоқ болалар масалаларини кўриб чиқади, Халқаро меҳнат ташкилоти ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги бир қанча таклифларни қабул қилди. ЮНИСЕФ учун ушбу Конвенция маълумот учун ҳужжатга нисбатан ташкилот ишида амалий қўлланма бўлиб хизмат қилди. ЮНИСЕФнинг дастурний баённомасида қайд этилишича, у "бала ҳуқуқларини ҳимоя қилишга киришади" ва "бала ҳуқуқларини болаларга нисбатан муносабатда аҳлоқий тамойиллар ва халқаро стандартларни ўрнатишга ҳаракат қиласди".

ЮНИСЕФ Конвенциянинг тамойиллари ва ҳолатларини илгари суради ва тизимли асосда бола ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлаш учун фаолият олиб боради.

Бола ҳуқуқлари түрлісіндеги Конвенция ва Бола ҳуқуқлари бүйічі Құмита фаолиятінің қайси жиһатлары ҳукуматларни мажбуриятлар қабул қилишга үндайды?

Жавоб. Мамлакатлар берадиган ҳисоботларни шархдаш орқали құмита давлатлар стратегияни ишлаб чиқиш ва амалға татбиқ этишдә Конвенциядан амалий қўлланма сифатида фойдаланишини тавсия этади:

- * болаларга нисбатан ҳар томонлама мукаммал миллий дастурларни ишлаб чиқиш учун;
- * ҳукуматнинг барча секторларида фаолият юритадиган, мувофиқлаштирувчи, мониторинг ва баҳолашни олиб борадиган доимий органлар тизимини яратишида;
- * барча қонунчилек Конвенцияга мувофиқ келишини тасдиқлаш учун;
- * болага таъсирни баҳолашни татбиқ этиши орқали болалар манфаатларини назарда тутадиган ҳукумат сиёсатини ишлаб чиқиши мақсадида;
- * болаларга сарфланадиган давлат бюджетининг қисми-ни таҳдил этиши ва үндан самарали фойдаланиш учун;
- * мамлакатдаги барча болалар ҳолатини яхшилаш учун маълумотлар түплешіш ва улардан фойдаланиш учун;
- * болалар билан ишлайдиган ва болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда давлат сиёсатини шакллантиришща қатнашадиганларга Конвенция хусусида билимлар бериш ва у ҳақида көнгрөқ маълумот тарқатиши учун;
- * болалар билан биргаликта фуқаролик жамиятini болалар ҳуқуқлари ҳақида күпроқ маълумот олиш ва уни амалға ошириш мақсадида;
- * бола ҳуқуқларини илгари суриш учун мустақил ташкилотлар - омбудсменлар, қўмиталар ва бошқа институтларни ташкил этиши учун.

Мамлакат миқёсидаги дастурларни қўллаб-қувватлашдан ташқари ЮНИСЕФ ҳукуматларга бола ҳуқуқларини илгари суришга қандай ёрдам беради?

Жавоб. ЮНИСЕФ фаолияти адвокатив фаолиятни, ҳамкорлик ва техник ёрдамни ўз ичига олади.

* ЮНИСЕФ мақолалар эълон қилиш, ахборот компаниялари, йирик халқаро конференцияларда иштирок этиш ва оммавий баёнотлар ёрдамида ташвиқот компаниясини ўтказади;

* ЮНИСЕФ нафақат донор, балки ривожланаётган мамлакатларнинг ҳукуматлари билан ҳам ҳамкорлик олиб боради. ЮНИСЕФ ёрдамида амалга ошириладиган дастурлар боаларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни соғлиқни сақлаш, таълим орқали амалга оширилади. Шунингдек, ЮНИСЕФ миллий бюджетдан фойдаланишида асосий хизматларга унинг 20 фоизини ажратишни рафбатлантиради;

* ЮНИСЕФ бошқа, хусусан БМТ тизими доирасидаги халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласди. Буларга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ривожланиш мақсадларида ёрдам кўрсатиш дастури (ЮНДАФ) ва халқаро молия институтлари киради.

* ЮНИСЕФ фуқаролик жамияти ташкилотлари билан боалар, оиласлар ва бошқа жамият аъзолари билан биргаликда ҳамкорлик ришталарини ўрнатишга хизмат қиласди;

* ЮНИСЕФ Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитага техник ёрдам кўрсатади;

* ЮНИСЕФ барқарор натижаларга эътиборини қаратади ва доимий равищда олиб бориладиган мониторинг ва дастурларни баҳолаб боришни қўллаб-қувватлайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ҚАФОЛАТИ

**"Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги
Ўзбекистон Республикаси қонуни қачон қабул
қилинган?**

Жавоб. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунинг қабул қилиниши мазкур соҳада муҳим қадам бўлди. Қонуннинг қабул қилиниши натижасида:

- * бола ҳуқуқлари бўйича қонунчилик кодификациясига (юридик меъёрларни тартибга солиш) тамал тошини қўйди;
- * миллий қонунчилиқда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро стандартларга мувофиқлиги таъминланди;
- * бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича давлат органлари, болалар муассасалари, ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;
- * бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида давлат сиёсатини конкретлаштириш ва бу борада давлат дастурларини ишлаб чиқилишига ёрдам берди. Бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, давлат органлари ва бошқа органларинг, ташкилотларнинг бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бола ҳуқуқлари бўйича ваколатли орган ташкил этилишига имкон яратди.

Болаларнинг узвий ҳуқуқларига нималар киради?

Жавоб. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 8-моддасида яшаш ҳуқуқи ҳар бир боланинг узвий ҳуқуқи эканлиги, бола ҳайтига суюқасд қилиш энг оғир жиноят ҳисобланishi таъкидланган. Дарҳақиқат, боланинг ҳуқуқи у билан бирга туғилади. Яъни, у туғилгандан эътиборан ўз исми, шарифи, отаси исмини олади, миллати ва фуқаролигига эга бўлади. Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси, ота-онаси-нинг ўрнини босувчи шахслар, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик органи, прокурор, суд томонидан амалга оширилади. Қонуннинг 13-моддасида эса бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эгалиги қайд этилади. Ота-онасининг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши ёки ота ва она-нинг бошқа-бошқа яшashi боланинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди. Ота ва она турли давлатларда яшаган тақдирда ҳам бола улар билан кўришиш ҳуқуқига эга. Бу эса, аввали оила аъзоларининг болага нисбатан ҳуқуқий муносабатнинг тўғри йўлга қўйишни талаб этади.

Бола саломатлиги Ўзбекистон Республикасида қандай кафолатланади?

Жавоб. Боланинг соғлигини таъминлаш у дунёга келгач ва унинг саломатлигини сақлаш йўлида қўйидагилар давлатимиз томонидан амалга оширилмоқда:

- * малакали ва бепул тиббий ёрдам кўрсатиш;

* болалар касаллуклари профилактикаси, даволаш-профилактика; муассасаларида диспансер кузатувини олиб бориш ҳамда даволаш;

* талаб даражасидаги сифатта эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва сотилишини назорат қилиш;

* санитария-гигиена таълим мини бериш;

14 ёшдан катта бола маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий равишда розилик бериш ёки уни рад этиш ҳуқуқига эга бўлади. Сил, ОИТС га чалинган касал болаларни Ўзбекистонда даволаш бепулдир.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги, "Йод етишмаслиги касаллуклари профилактикаси тўғрисида"ги, «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, "Она ва бола скрининг" Давлат дастури, "Соғлом она — соғлом бола" дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиши борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги, 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шаклантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2010 йил 22 июлдаги "Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари)

Боланинг таълим олиш ҳуқуқи Ўзбекистонда қайси қонуний ҳужжатлар билан қафолатланади?

Жавоб. Боланинг таълим олиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 1991 йил 20 ноябрда қабул қилин-

ган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги ЎзР қонуни, "Таълим тўғрисида"-ги ЎзР қонуни 29.08.1997 й., Кадрлар тайёрлаш миллый дастури 29.08.97, "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш миллый дастури" 29.08.97 ва бошқалар билан кафолатланади.

Бола шахсини ривожлантиришга қаратилган таълим тамойиллари қайсилар?

Жавоб. Бола шахсини ривожлантиришга қаратилган таълим тамойиллари: 1) таълим самардорлиги; 2) соғлик, хавфсизлик ва ҳимоя; 3) боланинг фаол қатнашуви; 4) гендер жиҳатларни инобатта олиш; 5) инклюзивлик. Мактаб мұхити соғлом, хавфсиз ва болаларни ҳимоя қила оладиган, ўқувчиларнинг салоҳияти ва иқтидорини юзага чиқара оладиган бўлиши лозим. Ҳар бир бола билим олиш ҳуқуқига эга. Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Болага дўстона муносабатда бўлиш билимни оширади. Бола қарор қабул қилишда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Имконияти чекланган болалар қандай имтиёзларга эга?

Жавоб. Имконияти чекланган болалар тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, давлат томонидан таъминланадиган соғликларини сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш тизими муассасаларида бепул тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, ўз уйларида парвариш қилиниш; билим олиш, оиласда яшаш, тиббий хизматлардан бепул фойдаланиш, ижтимоий ҳимояланиш ҳуқуқига эгадирлар. Улар соғлом болалар билан тенгдирлар. Ижтимоий ҳимояга мұхтож болаларга ўрта маҳсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртларига

ўқишига киришда қонун ҳужжатлари билан имтиёзлар белгиланиши мумкин.

Боланинг мулкий ҳуқуқлари мавжудми?

Жавоб. Боланинг мулкий ҳуқуқлари Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси (13 боб) ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Бола ўз ота-онасидан ва бошқа шахслардан Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексида белгиланган миқдорда ва тартибда таъминот олиш ҳуқуқига эга. Алимент, пенсия, нафақа сифатидаги болага берилиши лозим бўлган пул миқдори ота-оналар (уларнинг ўрнини бо-сувчи шахслар) тасарруфига берилади ва улар томонидан боланинг яшапши, тарбияланиши ва таълим олиннишига сарфланади. Суд вояга етмаган болалар учун алимент тўлашга мажбур бўлган ота-онанинг талабига кўра тўланиши лозим бўлган алимент миқдорининг 50 фоиздан ошмаган қисмини вояга етмаган болаларнинг банқда очилган ҳисоб рақамига ўtkазиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 99-моддаси ота-оналар томонидан вояга етмаган болалар учун тўлайдиган алимент миқдорини аниқ белгилайди. Умуман олганда, ушбу модда "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциянинг 18-моддасига мувофиқ келади. Бола қуйидагиларга нисбатан мулк ҳуқуқига эга:

у томонидан олинган даромадга;
унга берилган ҳадя ёки мерос тартибидаги мулкка;
боланинг маблағи хисобидан ҳарид қилинган ҳар қандай бошқа мулкка.

Боланинг мулк ҳуқуқидаги мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 27- ва 29-моддалари билан белгиланади.

Бола ота-онасининг мол-мулкига мулк ҳуқуқига эга эмас, ота-она боланинг мол-мулкига мулк ҳуқуқига эга эмас. Бирга яшайдиган болалар ва ота-оналар ўзаро розилик асосида бир-бирларининг мол-мулкларига эгалик қилишлари ва фойдаланишлари мумкин. Ота-оналар ва болаларнинг умумий мулка эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи қонунчилик билан белгиланади.

Боланинг ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқи қайси меъёрий ҳужжатлар билан кафолатланади?

Жавоб. "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциянинг 13-моддасида, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 15-моддасида, Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 68-моддасида боланинг оиласа унинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда ўз фикрини ифода қилишга, шунингдек ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида сўзлаш ҳуқуқи кафолатланган. 10 ёшга тўлган боланинг фикри унинг манфаатларига зид келган ҳоллардан ташқари инобатта олиниши мажбурийдир.

БОЛАЛАР МАСАЛАЛАРИНИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ЁРИТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Болаларни оммавий ахборот воситаларда ёритишида журналист қайси ахлоқий меъёрларга риоя этиши зарур?

Жавоб. Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳар қандай шароитда ҳурмат қилиниши лозим. Улар болалар ҳаётида учрайдиган муаммоларни ҳал этиш ва бола ҳуқуқларини илгари суришга хайриҳоҳликни ўз ичига олган ҳолда ҳамма нарсадан устун туради.

Журналист боланинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар қандай шароитда ҳурмат қилиши, болалар ҳақидаги журналистик материаллари уларнинг фикрлари бошқалар томонидан эшитилиши лозимлигини таъминлаши керак.

- Журналист материали обьекти бўлган боланинг шахсини ҳурмат қилиши, унинг ирқи, жинси, диний қарашлари, ёши, ижтимоий келиб чиқиши, билим даражаси ва жисмоний ўзига хосликларидан қатъий назар камситмаслиги лозим.

Шунингдек, журналист боланинг нуқсонини кўрсатиб, унда салбий реакцияни келтириб чиқарувчи тавсифдан қочиши;

- боланинг манфаатларини ўз манфаатларингиздан устун қўйиши;
- болага руҳий зарар етказмаслиги;
- доимо бола ҳаёти тарихини реал тасвирлаши;



- агарда у ногирон, жисмоний ёки жинсий зўрлик қурбони, ОИТС билан қасалланган, судда унинг иши қўрилаётган бўлса доимо боланинг исмини яшириши ёки ўзгариши керак.

Боланинг исми ва фамилияси фақатгина унинг ота-онаси, васий шахс томонидан розилик берилган тақдирдагина ёритилиши мумкин.

Баъзи бир ҳолатларда боланинг шахсий маълумотлари материални жонлантириш учун берилади, аммо бундай ҳолатда бола руҳий зарар кўрмаслиги лозим.

Болалар масалаларини ёритувчи Халқаро журналистлар федерацияси меъёrlари ва тамойиллари нималардан иборат?

Жавоб. Барча журналистлар энг юқори профессионал ва этик меъёрларга риоя этишлари ва ОАВда Бола ҳуқуқлари Конвенцияси ҳолатларини доимий равишда ёритиб боришлари лозим.

ОАВ бола ҳуқуқларининг бузилиш ҳолатларини кўриб чиқишилари, уларнинг хавфсизлиги, шахсий ҳаётлари, таълим, тиббий ва ижтимоий ёрдам, ҳимоянинг таъминланишини кенг ёритишлари лозим. Болалар шахсий ҳаётга бўлган ҳуқуқларини таъминланганигини кўрсатиб беришлари керак.

Бола ҳаёти масалалари ва фаровонлиги борасидаги журналистик фаолият доимий равишда болалар ҳолатининг жуда ҳам нозиклиги жиҳатидан амалга оширилиши лозим.

Журналистлар ва ОАВ ташкилотлари болалар масалаларини ёритаётганда юқори ахлоқ меъёрларига риоя этишлари лозим. Улар мажбурдирлар:

- бола ҳуқуқларини ёритаётганда аниқ ва конфедиционал маълумотларни беришлари;
- болаларга зарар етказувчи маълумотлар, фотосуратларни берищдан қочишлари;
- болалар билан боғлиқ стериотипли ва сенсацион материалларни беришга интилмасликлари;
- материал эълон қилинганидан сўнг унинг салбий оқибатини олдиндан кўра билишлари ва бунга йўл қўймасликлари ҳамда болалар учун оқибатларни бартараф этишлари;
- болаларни визуал ёҳуд бошқа идентификациясини амалга оширмасликлари;
- ОАВда иложи борича болаларнинг ўз фикрларини айтишларига ташқи босимсиз имкон беришлари;
- болалар томонидан берилган ахборотни мустақил равишда текшириб кўришлари ва ушбу ахборотни берган болалар ҳаётини таҳликага қўймасликлари лозим;

— болаларнинг салбий ҳолатларда тасвирилашдан қочишилари;

— иллюстратив материаллар олиш учун очиқ ва тўғри усуллардан фойдаланишлари;

— болалар номидан чиқувчи ёхуд улар манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳар қандай ташкилотни олдиндан текширишлари;

— болалар, уларнинг васийлари, ота-оналарига агарда болалар манфаатларига зид келадиган бўлса ахборот берганликлари учун ҳақ тўламасликлари керак.

Журналистлар барча материалларни танқидий нуқтаи назардан ўрганишлари лозим. ОАВ болалар ҳолатини ўрганиш ва хабар бериш билангина чекланмасликлари керак.

(1998 йил, май. Бразилияда эълон қилинган. 2001 йил Халқаро журналистлар федерациясининг Сеулдаги конгрессида қабул қилинган)

Болалар билан суҳбатлашишнинг қандай усуллари мавжуд?

Жавоб. Болалар билан қўйидагича суҳбатлашиш турлари мавжуд:

- турли хил ижодий жанрлардан фойдаланиш (аввало, яхши кўрган шеъри ёки ашуласини айтиб бериши, чизган расмини кўрсатишини илтимос қилиш ва ҳоказо);

- бола билан ўтирган ҳолатда ёки чўкка тушган ҳолда гаплашиш лозим (бола пастдан юқорига қараса, гаплашгиси келмай қолади ва ўзининг ожизлигини ҳис этади);

- суҳбатни айнан сизни қизиқтирган эмас, боланинг ҳаётига бевосита оид мавзулардан бошлаш лозим (бунинг учун олдиндан унинг ўқитувчиси ёки ота-онаси, ўртоғи билан танишиб олган маъқул);

- унга жиддий оҳангда мурожаат этинг (эркалаш оҳанги болага унинг ҳали ёшлигини яна бир карра эслатади);
- сұхбатлашаётганда хонада бўлсангиз, эшикни очиб қўйинг (эшиги ёпиқ хонада катта одам билан якка қолган бола ўзини ноқулай ҳис этади);
- Бола билан сұхбатлашиш чоғида унга қулай бўлиши, атрофдагилар ҳалақит бермаслик чораларини кўринг. Зеро, бола фақат эркин ва қулай шароитда, журналист томонидан босим кўрсатилмаган тақдирдагина ўзи ҳақида эркин гапириши мумкин.
- мактабда бўлса бола билан директор хонасида эмас, балки ҳовлининг шовқини камроқ жойида ёки таълим муассасасининг боғида сұхбатлашганингиз маъқул (албатта танланган жой бошқаларга кўриниб туриши керак, бунда ўқувчининг ўз ўртоқлари олдида нуфузи ортади).
- Бола билан сұхбатлашиш, уни фото ва видеосуратга тушириш ва бола ҳақидаги ҳужжатларни оммалаштиришдан олдин унинг ота-онаси, ўқитувчиси ёхуд васий шахсдан болага тушунарли тилда ёзма рухсат олинг. Мазкур рухсат ҳар қандай босим ўтказилмасдан, ота-она ёки васий шахс томонидан ихтиёрий равища берилиши лозим. Сұхбатлашишдан олдин бола ишонадиган катталар билан олдиндан маслаҳатлашишига имкон беринг.

Журналист бола билан учрашув чоғида қўйидагиларга эътибор бериш керак:

- албатта унга кимлигингиз ва учрашувдан мақсадинизни тушунтиринг;
- унга сиз дея мурожаат этинг;
- саволга жавоб беришни истамаса, унга ҳеч қандай тазийиқ ўтказмай, гап оҳангини баландлатмай, мулойим равища жавоб олишга интилинг;

- сұхбатдошингизга интервью имтиҳон ёки тест зымас-лигини, балки унинг фикрлари ва дүнёқараши билан яқин-дан танишишнинг бир воситаси эканини тушинтириңг;
- сұхбат тугагач, интервью қаерда ва қачон чоп этили-шини, албатта уларга айтинг ёки хабар берисингизни бил-дириңг;
- саволларга яхши жавоб бергани учун кичик сұхбат-дошингизни мақташни унутманг;
- агарда сұхбатингиз сураткаш билан ҳамкорликда олиб борилаёттан бўлса, ҳамкасбингиздан сұхбат тугагач, олин-ган суратларни болаларга кўрсатишни унутманг.

Болани рухсатсиз суратга олиш мумкинми?

Жавоб. Болани фото ёки видеога олишда албатта ота-онаси ёки васий шахснинг рухсати бўлиши лозим. Рухсат сўралганда ота-она ёки васий шахсга болани суратга олиш-дан мақсадни очиқ тушинтириш лозим. Агарда сурат бола манфаатларига зид келса, уни ОАВ орқали тарқатмаслик лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2002.
2. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. – Т.: Адолат, 1992.
3. "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция. - Т.: Ўзбекистон, 2002.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"ги қонуни. – Т.: 2010.
5. Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси.
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси.
7. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ги қонуни.
8. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси.
9. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т. 12. – Т.: Ўзбекистон, 2004, - 400 б.
10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
11. Каримов И.А. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига // "Маърифат" 2013, 27-июнь.
12. "СМИ и права детей". Media Wise и ЮНИСЕФ, 2005.
13. Права детей: Руководящие принципы для журналистов и представителей СМИ. ЮНИСЕФ, http://www.unicef.org/magic/resources/childrights_and_media_coverage.pdf

14. Этические принципы подготовки материалов о детях. ЮНИСЕФ, 2010 г. <http://www.unicef.org/media/>
15. Сара Маккрэм ва Лотт Хью. Как интервьюировать детей. М., 2000 г.
16. Б.И.Исмаилов. Бола ҳуқуқлари тўғрисида халқаро ҳужжатлар тизимининг шаклланиши. Тошкент. НАЭСМИ. Тарқатма материаллар. 2008 й.

Мусаҳҳих
Саҳифаловчи-
дизайнер

Э.Атақурова
M.Аҳлидинов

Босишга рухсат этилди _____.02.2014 йил. Қоғоз бичими 60x84 1/16.
Офсет босма усулида босилди. 2 босма табоқ,
Адади _____ нусха. Буюртма ____